

ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА “ЙЎЛ” ОБРАЗИНИНГ ПОЭТИК ТАСВИРИ Севинчой ЁҚУБОВА

катта ўқитувчи
филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Тошкент амалий фанлар университети
Тошкент, Ўзбекистон
e-pochta: sevinchoy.yakubova@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Чўлпон ижодидаги йўл образи ўрганилган. Унда шоир лирикасидаги рухий-психологик жараёнларнинг бадий ифодаси таҳлил этилган. Чўлпон шеъриятидаги йўл образининг рамзий моҳияти кузатилиб, шоирнинг эрк ва озодлик ҳақидаги қарашлари тадқиқ этилган. Мазкур образ мазмун-моҳиятини тушунишнинг шоир рухий тугёнларини чуқурроқ англашга ёрдам бериши ҳақида эътиборга молик мулоҳазалар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: лирика, жанр, рухий кечинма, образ, рамз, лирик “Мен”, шоирона маҳорат.

ПОЭТИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ ОБРАЗА «ДОРОГИ» В ПОЭЗИИ ЧУЛПАНА

Севинчой ЯКУБОВА
старший преподаватель
доктор философии (PhD) по филологическим наукам
Ташкентский университет прикладных наук
Ташкент, Узбекистан
e-pochta: sevinchoy.yakubova@mail.ru

Аннотация

В данной статье рассматривается образ дороги в творчестве Чулпана. В ней проанализирована художественное выражение духовно-психологических процессов в лирике поэта. Автор рассмотрел символический характер образа дороги в поэзии Чулпана и проанализировал взгляды поэта на свободу и независимость. Поэт выдвинул важные замечания о том, что понимание значения этого образа помогает глубже понять его душевные чувства.

Ключевые слова: лирика, жанр, духовный опыт, образ, символ, лирическое «Я», поэтическое мастерство.

Истеъдодли шоир, маҳоратли носир, етук таржимон ва публицист сифатида ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган ижодкорларимиздан бири – Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпондир. Чўлпоннинг насрий ва шеърий асарларида кўпгина поэтик образлар қатори йўл тимсоли ҳам кенг қўлланилган. Унинг ижодий меросида йўл хотиралари жанрига мансуб “Вайроналар орасида”, “Чимкент хатлари” каби публицистик асарлари ва

“Йўл эсдалиги” [5] сафарномаси мавжуд. Ушбу асарлар маърифий қиммат касб этибгина қолмай, туйғу ва кечинмаларга йўғрилганлиги боис, “китобхонни ижодкорнинг муайян даврдаги рухий-психологик кечинмаларидан ҳам огоҳ этади” [1;90].

Унинг саккиз бўлимдан иборат “Йўл эсдалиги” сафарномасида наср ва назм ўзаро мутаносиб тарзда уйғунлашган. Сафарномада адиб ахборот-мулоҳазалари – ижодкор самимий дардлари лиро-эпик йўсинда ифодаланган.

Адабиётшунос Д.Куроноф адибнинг “Йўл эсдалиги” сафарномаси ҳақида фикр юритар экан, ундаги йўл ва йўлчи образларига тўхталиб, шундай дейди: “Табиийки, маконий ва даврий ўзгаришлар йўлчи руҳиятига ва дунёқарошига муайян таъсир ўтказди. Доно халқимизнинг “юрған – дарё, ўтирган – бўйра” деган пурҳикмат мақоли ҳам бежиз тўқилмаган. Эҳтимол шундан дир, оғзаки ва ёзма адабиётда ўсиш-ўзгаришда кўрсатилаётган қаҳрамонлар кўпинча йўлга чиқадилар. Чўлпон ижодиётида ҳам йўл образи кўпинча, шу хил ботиний қиёслар ўтказишга хизмат қилади” [10;159].

Чўлпон ушбу сафарномасида олислардан чиройлик кўринган тоғлар яқинлашган сари тобора салобатли ва сервиқор бўла боришини “севгим каби чиройлик”, “вахимдай ўсган” дея таърифлайди. Бу бежиз эмасди. Чўлпон бизни ўз дардларини унинг руҳиятига яқинлашибгина тушуниш мумкинлиги ва бу жараёнда кўрқинч туйғуси ўсганига эътибор қаратишга ундайди.

Чўлпон ўз хаёлларини реал ҳақиқатлар тўсганини англаган. У тоғнинг юксалишини тўсган куч нима эканини билолмай ўртанади. Бизнингча, айна ҳолга алоҳида эътибор бериш лозим. Тоғнинг юксалишига кўнглидан жавоб тополмай, сўроғига жавобни табиатдан излаган Чўлпон интуитив тарзда бўлса-да, чекли объектларни билишга, шу орқали чексизлик сирларини англашга интилган. Чунки хаёлий юксакликларга кўтарилмоқни истаб, кўзни ўйнатар қадар юксалгач, тоғлар ҳам ўсишдан тўхтайдди.

Ушбу сафарномада адиб йўлда кетаётиб, теварак-атрофни тавсифлаётган бўлса-да, айна дамда йўл ҳам образ, ҳам поэтик восита

сифатида келади. Зеро, адабиётшунос Г.Эрназарова айтганидек: “... йўл тушунчаси бадий адабиётда узоқ қадимдан бери инсоннинг “ҳаёт йўли”, “янги йўлга кириш”, “тарихий йўл” сифатида ҳамиша рамзий-метафорик мазмун ташийди” [8;74]. Шунингдек олима Чўлпон насрида ҳам, назмида ҳам “йўл”нинг турли поэтик талқинлари учрашини кузатади. Жумладан, у “Йўл эсдалиги” сафарномасидаги лирик чекинишларда шоир ўз мақсадлари, руҳий изтироблари, ўзлигини топиш жараёнини ёритишда рамзий лирика билан Шарқ тасаввуф адабиётини бир-бирига пайвандлаб бетакрор поэтик мақсадга эришади”, - дейди.

Чўлпоннинг “Менинг йўлларимда” ,“Созим”, “Ишқ йўли” , “Юрт йўли”, “Улуғ йўлда”, “Кет” , “Юпанмоқ истаги”, “Қаландар ишқи” , “Гўзал” каби шеърларида йўл образи турли хил мақсад билан қаламга олинади.

Чўлпон шеърларида қўлланилган йўл образи “миллий озодлиқ ва таракқий йўлидаги кураш рамзи сифатида талқин этилади” [10;159].

Шоир лирикасидан бунга кўпгина мисоллар келтиришимиз мумкин. Чўлпон “Кет ” номли шеърда давр манзараларига ўзининг шоирона қалби билан муносабат билдиради:

*Эски дўстлар йўл адашиб ўлдилар,
Янги дўстлар бунинг учун кулдилар.
Янги йўлга оёқ босмай тўхтасам,
Бу йўлларда қутулишлик йўқ десам,
Сен ул чоқда қайси йўлга солардинг,
Фалокатдан қандай тортиб олардинг? [4;47].*

Ушбу шеърда лирик қаҳрамон қалбида кечаётган иккиланишлар қаламга олинади. Ундаги лирик қаҳрамон янгилик тарафдори даъвоси билан чиққан, “янги дўстлар”нинг адабий-мафкуравий ёлғонларига ишонишни истамайди. Чунки шеърдаги лирик “Мен” бу йўлда нажот йўқлигини теран англаган ҳолда рўй бериши мумкин бўлган фалокатни теран ҳис қилади. Шеърдаги фикрларнинг реал ҳаётий асослари шундаки, лирик қаҳрамон ҳаётда ўзига йўл қидиради, қай йўлдан бориш масаласида баъзан иккиланади.

*Чарчаган йўловчи йўлдан адашса,
Текис йўл қолса-да, тоғларни ошса,
Йўлни кўрсаткучи юлдуз-да қочса,
Шунда юпатгайми яланғоч чўллар?
Эркин далаларнинг эркин султони,
Сонсиз подаларнинг ёлғиз чўпони,
Най чолиб, тоғлардан истаса ёрни,
Балки юпатгуси “ёр” деган куйлар? [4;18].*

Келажак учун курашлардан чарчаб, йўлдан адашган, йўл кўрсатувчи юлдузини-да топа олмаётган йўлчига юртининг чўллари, далалари юпанч бўлгандай туюлади. Шоир ёрини тоғ-у тошлардан излаб, ёр ишқида чўпонга айланиб най чалиб юрган кишига “ёр” ҳақидаги куйлар юпанч бўлётгандир, дея мулоҳаза юритади. Бунда эрк истаги, озодлик орзуси лирик қаҳрамонни тарк этмайди ва умидини сўндирмасдан, она заминнинг ҳар бир заррасидан ўзига юпанч, умид шуъласини топа олади. Бунда йўл ва йўлчи образлари эркин ва озод турмуш билан боғлиқ туйғулар ифодасига йўналтирилган. Шунингдек, шеърда чексиз ватанпарварлик туйғулари ҳам шоирона ифода этилган.

“Юрт йўли” шеърида ҳам шоир фикрлари мантиқан давом эттирилгандай туюлади:

*Узоқ... оғир йўлга чиққан йўлчимен,
Бу йўлларда қилоғузим юлдуздир;
Мен юртимнинг пок истакли кучимен,
У юлдузнинг тугалиши кундуздир.*

*Томирларим олов каби қайнаган
Қонларини кечмишлардан олмишидир,
Билагимда ирғиб, чопиб ўйнаган,
Унутмаким, оёқларинг толмишидир.*

*Узоқ йўлнинг йўлчисимен, борамен,
Истагимни бу йўллардан оламен! [4; 23].*

Лирик қахрамон ўзини юртнинг пок истакли кучи дея атайди. Пок истак эса эркинликка эришиш орзуси эканлиги, шубҳасиз. Бу йўл оғир ва узоқлигини лирик қахрамон теран хис қилади, лекин асло таслим бўлмай, олға қадам ташлайди. Бу йўлда унинг томирлари оловдек қайнаб, оёқлари толса ҳам истагидан воз кечмайди. Чекаётган рухий изтироблари уни ўзи танлаган йўлида собитқадам бўлишга ундайди.

Умуман, Чўлпон шеъриятида йўл образи рамзий маънода қўлланилиб, шоирнинг эрк ва озодлик ҳақидаги қарашларини ифодалаб келган. Ушбу образ мазмун-моҳиятини тушуниш шоир рухий туғёнларини чуқурроқ англашимизга ёрдам бериши, шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ёқубов И.А. Миллий уйғониш даври ўзбек насри. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2012
2. Каримов Н. Чўлпон. – Тошкент: Фан, 1991.
3. Туйчиева Ш. Ижодкор дунёқараши ва бадиий услуб. – Тошкент: Академия, 2009
4. Чўлпон . Асарлар. 1 жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994.
5. Чўлпон. Асарлар. 3 жилдлик. 2- жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994.
6. Шарафиддинов О. Чўлпон. – Тошкент: Чўлпон, 1991.
7. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Тошкент: Ёзувчи, 1994
8. Эрназарова Г. Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор //Fledu.uz, 2019. – № 6. – Б.71-75 б.
9. Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004
10. Қуронон Д. “Йўл эсдалиги”да тағмаъно қатламига доир // Шарқ юлдузи. 1998. – №1/159.

11. Yakubov I.A. Experimental research in the creation of a “Mini-Novel” // Asian Journal of Multidimensional Research. 2022. Volume : 11, Issue : 11. pp. 143-147

12. Matyoqubova T. Gafur Ghulam's lyrical expression of the spiritual experiences of “I Am” // Asian Journal of Multidimensional Research. Year: 2022, Volume: 11, Issue :11. Pp. 28-37

13. Yakubov I., Matyokubova T. Laboratory works of Gafur Gulam: poetic image and imagery // Journal of critical reviews. ISSN- 2394-5125 vol 7, issue 17, 2020